



Британиянинг Дьюсбери шахрида Ислом дини вакиллари хеч кандай хавотирсиз истеъмол килишлари мумкин бўлган, манзараги жониворларнинг халол гўштларини тақдим килувчи дўкон ишга тушди.

Бундай дўкон очиш фикри кассоб Хайсам Ахмаддан чиккан. Унинг таъкидлашича, одамлар нафакат товук гўшти ва сигир гўшти, балки ўзга гўшт хилларини хам истеъмол килишни хоҳлашади.

Агроньюснинг хабарига кўра, мижозлар бугунданок бугу, лама, тужкуш ва кирговул (тустовук) гўштларидан баҳраманд бўлишлари мумкин.

“Таомга бўлган одатлар ўзгариб бормокда, одамлар иложи борича ёғсиз овкатлар ейишни исташмокда. Сабаби, саломатликлари хакида кўпроқ кайгуришмокда. Мисол учун, бугу гўштида нисбатан камрок ёг ва холестерин бор”, дейди кассоб.

Айтганча, мазкур жониворлар гўштини сотаётган дўкон эгаси ўша хайвонларни ўзи овлайди. Шу билан бирга, уларнинг халол бўгизланишига, Ислом коидаларига тўлиқ мос келишига эътибор каратади.

Хайсам Ахмад бу ишлар билан чекланмокчи эмас. Балки, якин орада буйвол ва тимсоҳ халол гўштлари сотишни хам йўлга кўйиш ниятида.

Энг ожиз банда тайёрлади